



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 21 март, № 55 (5729)

Пайшанба

Хорижий мамлакатларнинг вакиллари баҳор байрами билан табриклайдилар

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган тантанали тадбирда юртимизда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар ва дипломатия корпорацияларининг раҳбарлари ҳамда вакиллари ҳам иштирок этдилар. Улар "Жаҳон" ахборот агентлигининг мухбирлари билан мулоқотлари чоғида байрам тантаналаридан олган таассуротларини бажонидил ўртоқлашдилар.

Патрисия ФЛОР, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили:

— Мени аjoyиб кайфият чулғаб олган, бугун ушбу майдонда ҳукмрон бўлиб турган байрам муҳитига чарақлаган баҳор кўеши жуда ҳамоҳанг.

Бугунги шодиёна кунда Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар тараққиётининг одимларини юксак баҳолашимизни кайди этишни истар эдим. Биз турли йўналишлар, жумладан, иқтисодиёт, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари бўйича ўзаро ҳамкорликнинг яхши тажрибасига эгамиз. Менинг мамлакатимизга ташрифим Наврўз байрами тантаналарига тўғри келди ва у жуда самарали кечмоқда — биз бўлиб ўтган учрашувлар чоғида қатор муҳим масалаларни, хусусан, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришнинг истиқболларини муҳокама қилдик. Биз Ўзбекистонни Европа Иттифоқининг Марказий Осиё минтақасидаги муҳим шериги сифатида кўрашимиз ва ҳамкорлигимиз муваффақият билан давом эттишига умид қиламиз.

Ушбу аjoyиб байрам муносабати

Ўзбекистоннинг барча аҳолисига бахт, қувонч ва фаровонлик тилайм.

Стефан ПРИСНЕР, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий муваффиқлаштирувчиси:

— Мен бу қадар улкан байрам тантанасида илк бор иштирок этмоқдаман. Наврўз тантаналари ўзининг ёрқинлиги, рангларнинг уйғунлиги, хилма-хиллиги ва кенг қўламлиги билан менда чўқур таассурот қолдирди.

Ҳам аънаваный, ҳам замонавий ашула ва рақслар ижросидан иборат ўзбек санъат усталарининг концерт дастури мени қойил қолдирди ва завқ-шавақ бахш этди. Умуман олганда, бўлиб ўтган тантаналар республиканинг замонавий ҳаётига гоят мос келаётган ўзбек халқининг бебаҳо маънавий мероси ҳамда миллий аънаваларини аjoyиб ва ёрқин бир тарзда намойиш қилди.

Бугун Наврўз байрамни кенг доирада нишонлар эканмиз, барча ўзбекистонликларга ўзининг энг эзгу тилакларини изҳор этишни ва "Байрамнингиз муборак бўлсин!" дея табриклашни истар эдим.

(Давоми 2-бетда).



Меҳр-оқибат ва файзу барака шодиёнаси

Яшариш ва янгилашиш айёми дилларга сурур, қўнғилларга қувончу завқ улашмоқда. Юртимиздаги ҳар бир манзил, ҳар бир хонадонда байрамона кайфият, шодлик ҳукмрон. Каттаю кичик бир-бирини қўлаб, эзгу тилаклар изҳор этмоқда. Зеро, шундай фаровон кунларга, гўзал айёмларга насибамиз қўшиланганидан шодлигимиз чексиз. Бунга айни кунларда мамлакатимизнинг барча вилоятларида ўзгача ҳозирлик билан кутиб олинми, кенг нишонланаётган байрам тантаналари мисолида ҳам кўриш мумкин.

НАВРЎЗ ШУКУҲИ

Хусусан, пойтахт вилояти аҳли кўкларнинг мунаввар айёмини муносиб тўғралар, кўтаринки кайфият билан қарши олди. Асосий тантаналар бўлиб ўтган вилоят Маънавият ва маърифат марказидаги кўркем хибоб чинакам байрамона тус олган. Миллий кадрятларимиз, аънава ва ўрф-одатларимиз акс эттирилган тасвирий лавҳалар, халқ хунармандчилигининг беқиёс намуналари, дошқозонларда тайёрланган кўклар таомлари — буларнинг бариди Наврўз байрами, унинг теран фалсафаси ҳибобидасини топди. Саҳнада намойиш этилган театрлаштирилган дастурда эса кўп миллатли пойтахт вилоятига хос азалий аънава ва кадрятлар тараннум этилди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

(Давоми 3-бетда).

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, бу йилги Наврўз олдида вилоятнинг туману шаҳар марказлари, олис қишлоқ ва маҳаллаларида 250 дан ортиқ ижтимоий, маданий-маърифий муассасалар, гузар ва хибоблар, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис шохбчалари, янги корхоналар фойдаланишга топширилди. Жойларда янги боғлар, узузмзорлар барпо этилмоқда. Зотан, кўкларнинг илиқ тафтидан завқланган бободехқонлар аллақачон дала юмушларига киришиб кетишган...

Сурхон воҳасида ҳам бугун Наврўзи олам шукуҳи кезмоқда. Минг йиллик кадрятларимизга ҳамоҳанг бу бетакорор айём вилоятнинг ҳар бир гўшасида кенг тантана қилинапти.

Байрам шодиёналари янада жозибали, ёдда қоларли даражада ўтишини таъминлаш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар, халқ сайли, сумалак базми, миллий ўйинлар беллашуви тарзидаги кўнгилоҷар томошалар ташкил қилинди.

М. ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАВРЎЗ ТУҲФАСИ

Эллика яқин иншоот ишга туширилди

Самарқанд вилоятида баҳор айёми кунларида 50 га яқин иншоотлар ишга туширилди.

— Пайшанба шаҳарчаси марказида замонавий савдо мажмуасининг иш бошлаши каттақўрғонликлар учун ўзига хос Наврўз туҳфаси бўлди, — дейди тадбиркор Мафтуна Худойбердиева. — Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 60 миллион сўмлик сармоя йўналтирилди. Ушбу иншоот шаҳарчамиз кўркига кўрк қўшиди.

М. ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Аҳоли дастурхонига — ширмой нонлар

Кўшкўпир тумани марказида "Шовотдон" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади. Бу ерда айни пайтда Германия технологияси асосида кунига 3 тонна 6 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш имконияти юзага келди.

24 кишини иш билан таъминлаган мазкур корхона бунёд этиш учун 570 миллион сўм сарфланди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ибратли тадбир

Бир гуруҳ андижонлик хотин-қизлар мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан 22 тупдан дарахт кўчати ўтказиш ташаббуси билан чиқишди. Маҳаллий ҳокимият ушбу эзгу ташаббусни қўлаб-қувватлаб, Андижон шаҳрининг Боғишамол даҳасидан ер ажратиб берди. Эндиликда бу ерда "Аёллар боғи" барпо этилди.

— Боғимизга 500 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экидик, — дейди Андижон индустриал-педагогика касб-хунара коллежи директори Равшанои Жўрабоева. — Шу билан бирга, унинг атрофи ободонлаштирилди.

О. ШОДНОМАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Бахт уйи»нинг замонавий биноси

Ғиждувонлик Сайдуллажон Шодмонов билан Мадина Ибрагимованин никоҳи фуқаролик далолатномалари ёзиш бўлимининг янги биносида қайд этилди.

— Обод турмуш йилида Адлия вазирлиги томонидан ажратилган 320 миллион сўм эвазига таъмирланиб, янгича қиёфа касб этган ушбу қишқаватли бино айнан Наврўз байрамида фойдаланишга топширилганиги туман аҳолиси учун чинакам совға бўлди, — дейди бўлим мудирини Нусрат Жаҳонов. — Чиройли, кўркем, маҳобатли бинода никоҳ маросимини ўтказиш ёшларимизда ниҳоятда унутилмас хотиралар қолдиради. Шу боис қувончимизнинг чеки йўқ.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ТАШАББУС — 2013»

Илгор тажрибалар майдони

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган "Ташаббус — 2013" кўрик-танловининг вилоят босқичлари юқори савияда кечмоқда. Унинг доирасида ташкил этилаётган кўргазмалар тадбиркорларнинг илгор тажрибасини оммалаштириш, ички кооперация алоқаларини ривожлантириш майдонига айланди.

ЖИЗЗАХ. Кўрик-танловнинг вилоят босқичида тадбиркорлик, фермерлик ва хунармандлик соҳасида кўлаб янги номлар кашф этилди. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган турфа хилдаги маҳсулотлар импорт ўрнини босиши, экспортбўлиги жиҳатидан барчанин эътиборини тортди. Бу мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришга кенг йўл очиб берилганининг амалий самарасидир.

Танловнинг вилоят босқичи шаҳар ва туманлардан сараланган ишбилармонлар учун ўзига хос жиддий синов бўлди. Унинг якунига кўра, Жиззах шаҳридаги "Евроазия карпет" масъулияти чекланган жамияти бош директори Улугбек Мансуров "Энг яхши тадбиркор", Зарбдор туманидаги "Ўткир польон" фермер хўжалиги раҳбари Арслон Алибеков "Энг яхши фермер", Жиззах туманида яшовчи Дилноза Туропова "Энг яхши хунарманд" йўналишлари бўйича голиб деб топилди.

либ, республика босқичига йўланма олдилар.

Голиб ва совриндорларга махсус диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими С. Исмоилов иштирок этди.

У. АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН.

"Ташаббус — 2013" кўрик-танловининг вилоят босқичига ташриф буюрганлар ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадвал равақ топаётганига яна бир бор амин бўлишди. Айни чоғда мазкур соҳа субъектлари сони 26300 дан ортиб, ялпи ҳудудий маҳсулотдаги ҳиссаси 79 фоизга етгани ана шундан далолат беради. Ушбу кўрсаткичларга эришиш, одамларнинг тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқаришда "Ташаббус" кўрик-танловининг аҳамияти катта, албатта.

(Давоми 2-бетда).

Ўлкамизга интиқ бўлиб кутганимиз — Наврўз ташриф буюрди. Кўклар нафаси уфуриб, ён-атроф кун сайин чирой очиб бораётган шу мунаввар кунларда барчамиз Наврўзи оламни кўтаринкилик билан кутиб олдик.

ДИЛ СЎЗИ

Азалий кадрятларимизни ўзида мужассам этган бу кутлуғ айём шукуҳи юртимизнинг барча гўшалари — шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ҳамда гузарларда катта шодиёна билан нишонланмоқда. Айниқса, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон

Обод турмуш — изчил тараққиёт кафолати

тон Миллий боғида бўлиб ўтган тантаналар дилимизга завқ бағишлади. Президентимизнинг байрам табригини вужуд-вужудимиз билан бериб тинглаб, инсон қадрини баланд юртда яшаётганимиздан фахрландик. Зеро, табриқда таъкидланганидек, айни шу бетакорор фаслда одамларимиз халқимизга мансуб бўлган, унинг одатига айланган кетган кадрятлар — бир-би-

рига меҳр-оқибат кўрсатиш, беморлар, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларимизнинг дуросини олиш каби эзгу фазилятларни яққол намойиш этиб, ўз қувончи ва шодлигини яқинлари, дўсту ёрлари, кўни-қўшнилари билан баҳам кўришга интилади.

(Давоми 2-бетда).

Боғ барпо этиш — хайрли аънава

Шу кунларда мамлакатимизнинг қайси бир ҳудудига борманг, кўчат экиб, боғ яратаятган, маҳаллалар, кўчалар ва хибобларни, умуман, диёримизни обод қилаётган юртдошларимизнинг эзгу интилишларига гувоҳ бўласиз.

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Когон туманидаги "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган Бехимирзаён қишлоғи ўзининг қадимий ва сўлим боғлари, ширин-шакар мевалари билан тилга тушган. Шу ерилик Рустам бобо Рўзиёев "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми" томонидан

қаламчалари экилди. Қарабсизки, бу ерда мўъжаз бир боғ барпо бўлди.

Бундай эзгу ишлар вилоятнинг барча маҳалла ва гузарларидида байрамона руҳда давом эттирилмоқда. Масалан, йўл ёқалари, дала атрофи ва кўчаларга мевали ҳамда манзарали дарахтлар кўчатлари қадалаётган бўлса, буш ётган ерлар кўкларамзорлаштирилмоқда. Юрт ободлигига ҳисса қўшиш мақсадида тиниб-тинчимайдиган, Пешку туманидаги Деҳдароз қишлоғида истиқомат қилувчи Иzzат Файзуллаев сая-ҳаракати билан

бир гектар ерда янги боғ яратилди. Айни кунларда боғбон ниҳоллар парвариши билан банд.

— Иzzат акага ўйшаган ташаббускор инсонлар туманимизда кўп, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоати фонди Пешку тумани бўлинимаси раиси Искандар Намозов. — Мисол учун, "Валфажр" маҳалла фуқаролар йиғини азёзси Ботир Фуломов беш гектарлик узузмзор барпо этган бўлса, яна бир тумандошимиз Аҳтам Ҳамдамов шунча ерда боғ яратди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Джордж КРОЛ, Америка Қўшма Штатларининг Ҳавулода ва Мухтор элчиси:

— Наврўз янгиликларини ҳамда табиат уйғоншининг рамзида...

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон мустақиллик йиллари мобайнида турли соҳаларда диққатга сазовор бўлган муваффақиятларга эришди...

Хозирги пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар жадал суръатларда ривожланмоқда...

Ушбу баҳор байрами ҳар бир хонадонга бахт-саодат ва фаровонлик олиб келишига тилақдошман!

Франсуа ГОТБЕ, Франциянинг Ҳавулода ва Мухтор элчиси:

— Бу байрам барча ўзбекистонликлар учун орзиқиб қутиладиган ва суюқли айёмдир. Чунки Наврўз гузал ва ажойиб фасл ибтидосини, баҳорий уйғониш ҳамда янгиликларини ўзиде мужассам этган...

Ушбу байрам муносабати билан Ўзбекистонга чин дилдан эзуликлар, тинчлик ва гуллаб-яшнаш тилақларини изхор этаман!

Муҳаммад бин Саид бин Муҳаммад ал-ЛАВАТИ, Ўмон Султонлигининг Ҳавулода ва Мухтор элчиси:

— Гузал Наврўз байрамида Ўмон Султонлиги номидан кўп миллатли Ўзбекистон халқига мурожаат қилишдан, ўзининг самимий табриклариини билдириш ҳамда ҳар бир оилада тинчлик ва ҳамжихатлик, янгидан-янги муваффақиятлар, тараққиёт ва раванж, фаровонлик ва хотиржамлик ҳужм суришини тилаб, эзгу истакларини йўллаганимдан бағоят мамнунман...

Куйлаб, рақс тушаётган халқни кўриш кишига завқ бағишлайди, Ўзбекистондаги барча миллат ва маданиятлар вакиллариининг чиқишлари эса ҳар қандай инсонни ўзига мафтун қилади...

Халқларимиз ўртасида кўпгина ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Ўзбек халқининг эзулиги ва меҳрибонлик, олижаноблик, меҳмондўстлик, ўз мамлакатининг ўтмиши ва бугунидан

фахрлиниш туйғуси сингари фазила-латлари Ўмон халқига ҳам хосдир. Ўзбекистон ва Ўмон ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ҳамда ишонч асосида изчил ривожланиб бораётгани, айниқса, қувонарли ҳол. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз байрами билан чин қалбидан табриклаганим ҳолда, тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилайман.

роф-муҳит уйғунлигини мужассамлаштирган.

Кўп минг йиллар илгари бўлгани каби бугун ҳам Наврўз ардоқли, қувончи, ажойиб ва қутлуг сана, эзгу ниётлар ҳамда юксак орзулар тисоли сифатида ҳар бир ўзбек оиласида нишонланади. Шуниси муҳимки, мустақиллик йилларида Наврўз республикада истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар вакиллари учун

шу каби байрамлар чоғида мамлакат ва халқнинг келажакка нисбатан ишончи ҳам намойён бўлади.

Ўзбекистон Президентининг мамлакат мустақил тараққиётини, Ўзбекистоннинг тинчлик билан барқарор ривожланишидек асосий ниётини, ёш авлоднинг нафақат эртанги кунга, балки ўз олдига қўйган мақсадларга эришишга нисбатан қилаётган барча заминда ҳеч нарса билан таққослаб

тиб олаётгани менда катта таассурот қолдирди. Айниқса, Ўзбекистонликларнинг меҳмондўстлиги ва хушмуомалалигини алоҳида қайд этиш жоиздир. Бугун айнан Ўзбекистонда ушбу шодиёнани қутиб олаётганимдан хурсандман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг табрик сўзи муҳим аҳамиятга эга, кенг қўламли ва чуқур ўйланган нутқ бўлиб, унда ёш авлодни мустақиллик голялари, ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналари, бебаҳо маданий-маънавий меросини асраб-авайлаш руҳида тарбиялашга асосий эътибор қаратилган.

Давлатининг раҳбари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар бугунги ва келажак авлодни ўз мамлакатини авайлаш, унинг тинчлик-осойишталигини муҳофиза қилишга ундайдиган чорловдир.

Ушбу янгиликлар, яшариш байрамида мамлакатининг ва бутун ўзбек халқига сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, улкан муваффақиятлар тилайман. Байрам кайфияти ҳаммиша ҳамроҳингиз бўлсин.

Володя НЕЙКОВ, Болгариянинг Ҳавулода ва Мухтор элчиси:

— Мен бундай муҳташам ва таассуротга бой халқ байрамида илк бор иштирок этмоқдаман. Ушбу байрам баҳор кириб келиши ва табиат уйғониши тимсолидир. Наврўз кайфияти бугунги Наврўз табиати тўласинча ўз ифодасини топдики, у ҳар бир инсонни табиат билан уйғунликда яшашга, жамиятда дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлашга даъват этади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон халқ ижодиёти ва санъати намуналари мамлакат ҳамда унинг маданияти тараққиётининг даражасини билиш, халқнинг маънавий бойлиги билан танишиш имконини берди. Биз бугунги сахналаштирилган маданий чиқишларда ушбу улғур воқеа муносабати билан ўзбек халқининг ҳақиқий миллий анъаналарини сақлаб қолган миллий мусиқа ва ашула санъатининг ноёб намуналари билан ошно бўлдим. Ёш авлод вакиллариининг чиқишлари, уларнинг санъатга бўлган чинакам муҳаббати менда алоҳида таассурот қолдирди, чунки гузалликни таранун этиш ҳақиқий инсоний қадрият ҳисобланади.

Президент Ислам Каримовнинг табриги, шубҳасиз, ўзининг таъсирчанлиги ва порлок келажакка бўлган ишонч руҳига йўғрилгани билан кишида таассурот қолдирди. Шунингдек, давлат раҳбари ўзининг илҳиқ табригида ушбу тадбирда қатнашаётган дипломатия корпусига эътибор қаратгани алоҳида қувонарлидир.

«Жаҳон» АА.

Илфор тажрибалар майдони

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кўрик-танловнинг бу йилги шаҳар ва туман босқичларида 345 нафар тадбиркор, фермер ва хунарманд қамраб олинди. Улар орасидан ғолиб чиққан 35 нафар ўз ишининг устаси яқуний босқичнинг йўлнамасига эга бўлиш учун беллашди.

Улар фаолиятини баҳолашда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар тури ва сифати, қўлга киритган натижалари, яратган иш жойлари алоҳида

эътиборга олинди. Пировадда Наманган шаҳридан Неъматжон Солиев “Энг яхши хунарманд”, Уйчи туманидаги “Тола” фермер ҳўжалиги бошлиги Тolibжон Мўминов “Энг яхши фермер”, вилоят марказида жойлашган “Ифтихор кийим саноят” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Анна Добрих “Энг яхши тадбиркор” номинатсияси бўйича ғолиб бўлдилар.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРХОНДАРЁ. Термиз шаҳридаги “Тадбиркорлар маркази” да бўлиб ўтган “Ташаббус — 2013” кўрик-танловининг вилоят босқичида 41 тадбиркорлик субъекти иштирок этди.

Улар томонидан уюштирилган кўргазмада намойиш қилинган махсулотлар билан яқиндан танишганидан вилоятда санаот жадал суратларда ривожланаётганини эътироф этишди. Чунки бу ерда қиллоқ ҳўжалиги махсулотлари, миллий хунармандчилик буюмларида тортиб, озик-овқат ва ноозиқ-овқат моллари, қурилиш материаллари, енгил санаот товарларига кўриш мумкин эди.

Ғолибларни аниқлашда корхоналарнинг экспорт салоҳияти, ишлаб чиқарилаётган махсулотлар сифати ва бугунги бозор талабларига мослиги, тадбиркорларнинг билим ва тажрибаси асосий мезон қилиб олинди. Яқунда “Энг яхши тадбиркор” йўналишида Сароисий туманидаги “Хонхиза савдо сервис” масъулияти чекланган жамияти раиси Абдуғаффор Аҳмедов, “Энг яхши фермер” йўналишида Жарқўрган туманидаги “Искандар Исроилов” фермер ҳўжалиги раҳбари Омон Аҳатов, “Энг яхши хунарманд” йўналиши бўйича эса сароисийлик аяка тارتкидаги тадбиркор Баҳриддин Пардаев биринчи ўринга топилди.

Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СИРДАРЁ. Ишбилармон ва тадбиркорлар учун яратиб берилаётган қулай шарт-шароит, тақдим этилаётган имтиёзлар, қўрсатилаётган рағбат уларни изланишга, ташаббус қўрсатишга руҳлантиряпти. Кичик бизнес тобора тараққий этиб, иқтисодиётда ҳал қилувчи роль ўйнаётгани, хусусан, Сирдарё вилоятида ўтган йили 79 та санаот корхонаси, 1515 та кишилик хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилгани бунинг яққол далилидир. Натижанда 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 245 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқарилиб, уларнинг ялпи ҳудудий махсулотдаги улуши 80 фоизга етди.

Гулистон шаҳридаги “Алпомиш” спорт мажмуасида ўтказилган танловнинг вилоят босқичида 30 нафар тадбиркор, фермер ва хунарманд ўзаро беллашдилар. Улар орасида, айниқса, санаотнинг ҳудуд учун янги бўлган фармацевтика, локбўк махсулотлари ишлаб чиқариш, териға ишлов бериш каби йўналишларига кўп урган тадбиркорлар кўпчиликни ташкил этгани иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Танлов якунига кўра, Гулистон туманидаги “Макровит” хусусий корхонаси раҳбари Виктор Урбанович “Энг яхши тадбиркор”, Гулистон туманидаги “Орол неъматлари” фермер ҳўжалиги раҳбари Баҳодир Бегматов “Энг яхши фермер”, Боевўт туманилик хунарманд Севара Бойўраева “Энг яхши хунарманд” номинатсиясида ғолибликни қўлга киритдилар.

Ш. ХОЛИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ва эришилаётган ютуқлар мазмун-моҳиятини очиб бериш масалаларига бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди.

Йилгилишда вилоят, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлимлари мутасаддилари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича масалатчилари, тумандаги умумтаълим мактаблари, касбухунар коллежлари бошланғич таълимчилари етакчилари иштирок этди.

Тадбирда маҳаллаларда олиб борилаётган маърифий-тарбиявий ишлар самардорлигини ошириш, эҳтиёжманд оилаларга ғамхўрликни янада кучайтириш, улар учун муносиб ижтимоий-маиший шaroитлар яратиш, бунда хотин-қизлар манфаатларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Хусусан, аҳоли репродуктив саломатлигини янада кучайтириш, аёллар ва болаларни тиббий кўриқдан ўтказиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, турли салбий иллатларнинг олдини олиш юзасидан мута-

садди ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирларни янада кучайтириш даркор.

Айни пайтда туманда эҳтиёжманд оилаларга ғамхўрлик қилиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат шaroитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш бўйича эътиборга молик ишлар амалга оширилаётди.

Тадбирда хотин-қизлар учун ажратилаётган кредитлар ҳажмини ошириш, тадбиркорлик, хунармандчилик, «Стос — шоғид» аъёнчалари йўлга қўйиш орқали мактаб, коллеж ўқувчиларини касбга йўналтириш борасида олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йилгилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Ф. ХОЛИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— “Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига 22 туپ дарахт — менинг туҳфам” шиори остида жами 21 миллион 611 минг дона япон софораси, каштан ва Қрим қарағайи каби манзарали дарахтлар кўчати ва қаламчаларини экиш кўзда тутилган, — дейди Қорақалпоғистон

Бог барпо этиш — хайрли анъана

Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги бош мутахассиси Пўлат Рейпназаров. — Шунингдек, аҳоли томорчаларига 1 миллион 239 минг дона мевали, жумладан, 58 мингта ток кўчати ўтказилади. Хозиргача режа 85 фоизга удаланди.



Бундан ташқари, янги бог-тоқзорлар ва интенсив боғлар барпо этиш, яроқсиз бог-тоқзорларни реконструкция қилиш борасида ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилмақда. Жумладан, жорий йилда 240 гектар майдонда янги боғлар, 160 гектар ерда эса тоқзорлар барпо этиш режалаштирилган бўлиб, бу йўналишдаги ишлар аплақачон бошлаб юборилган.

Сурхон воҳасида эса ишлар янада қизгин тус олган. Негаки, бу заминга баҳор ҳаммиша эрта келади. Гўли қунарларда боғлар оппоқ гулларга бурканган, адирларда чучмома, бойчечаклар бўй кўрсатмоқда. Ана шундай паллада воҳа аҳолиси табиатга уйғун ҳолда янги бог ва гулзорлар яратиш, қисқача айтганда, оламни яшилликларга буркаш иштиқида меҳнат қилаётди. Буни Бойсун туманидаги “Бойсун Дибёр гушани” фермер ҳўжалигининг изланишлари мисолида яққол кўриш мумкин. Хали ташкил

этилганига унчалик кўп вақт бўлмаган мазкур ҳўжалик аъзолари томонидан ўтган давр мобайнида 25 гектарлик мевали бог барпо этилди. Ниҳолларнинг олди шу йил ҳосилга қиради.

— Жорий йилда богимизни яна бир гектарга кенгайтиришимиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Раҳмон Дибёр.

Баҳорги экиш мавсумида вилоятда 2 миллион туپ манзарали ва 400 мингта мевали дарахт кўчатларини экиш белгиланган бўлиб, ушбу вазифа орқия билан удаланди. Аниқроқ айтганда бўлсақ, ташкилотлар, корхона ва муассасалар атрофи, ариқ ҳамда каналлар бўйлари, туманларни кесиб ўтувчи йўл ёқаларига 2 миллион 400 минг тулға яқин манзарали, миллион туپ мевали дарахт ниҳоллари экилди. Шунингдек, 132 мингта тез ўсувчи терак ва тол қаламчалари қадалди. Бу хали ҳаммаси эмас. Бу ердаги богдорчиликка иктисослаштирилган фермер ҳўжаликлари томонидан каштан дарахти кўчатлари, япон софораси ҳамда турфа гуллар қаламчалари ўтказилмоқдаки, тез орада уларга жон кириб, кўрган кўзни қувончга тўлдирди.

Умуман, баҳорги ободонлаштириш ва қўжаланзорлаштириш ишлари юртими бўлиб қизгин давом этмоқда.

Вилоят мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.

Обод турмуш — изчил тараққиёт кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, қаердаки турмуш фаровон, бозорлар тўқин, инсон қадри улғуланаётган экан, бундай юртга байрамлар ярасади, эл-улус орасида меҳр-оқибат ришталари янада мустаҳкамланади. Бу шу кунларда тили, ирқи, динидан қатъи назар, юртимизда бир оила аъзоларидек ахил-иноқ яшаб келаятган турли миллат вакиллариининг Наврўзчи ушбу хурсандчиликда нишонлаётгани ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Қолаверса, бугун ҳар биримизнинг ҳаётдан рози бўлиб, бахтиёр яшашимиз учун барча шарт-шaroитлар яратилган. Юртбошимиз раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар самарасини эса ҳар биримиз ўз ҳаётимиз мисолида кўриб, билиб, сезиб турибмиз.

Жонаҳон Ўзбекистони мизда эришилаётган муваффақиятларнинг салмоғи турмуш фаровон, бозорлар тўқин, инсон қадри улғуланаётган экан, бундай юртга байрамлар ярасади, эл-улус орасида меҳр-оқибат ришталари янада мустаҳкамланади. Бу шу кунларда тили, ирқи, динидан қатъи назар, юртимизда бир оила аъзоларидек ахил-иноқ яшаб келаятган турли миллат вакиллариининг Наврўзчи ушбу хурсандчиликда нишонлаётгани ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Қолаверса, бугун ҳар биримизнинг ҳаётдан рози бўлиб, бахтиёр яшашимиз учун барча шарт-шaroитлар яратилган. Юртбошимиз раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар самарасини эса ҳар биримиз ўз ҳаётимиз мисолида кўриб, билиб, сезиб турибмиз.

таъбири билан айтганда, ҳар қайси инсоннинг бахтли яшашига хизмат қилади. Фаровон турмуш, бахтли ҳаёт кечирилишининг шартини ва гарови бўлган омилар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гузал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашига яққол намойён бўлади.

Ана шундай эзгу орзумидларни кўзда тутган Обод турмуш йилида кириб келган Наврўзи оламнинг қутлуг қадами хайрли, баракали, файзли кечсин...

Гулираёно УСМОНОВА, Тошкент педиятрик тиббиёт институти клиникасининг бош шифокори. «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби.

ИНТИЛИШ

Айни пайтда Кўкон шаҳрида фаолият кўрсатаётган 136 та корхона экспорт-импорт билан шуғулланади. Ана шулардан бири “Европринт-Кўкон” очик акциядорлик жамиятидир. Ҳозир бу ерда 100 дан зиёд турдаги полиграфия махсулотлар тайёрланапти.

Таннархи арзон, сифати юқори

Бундан икки йил аввал жамоада Германиянинг “Heidelberg” компаниядан замонавий ускуналар келтирилиб ўрнатилган эди. Бунинг учун салкам 100 минг АҚШ долларлик маблағ сарфланди. Натиханда махсулотлар сифати яхшиланибгина қолмай, таннархи ҳам арзонлашишига эришилди.

Тез орада корхонада целлофан пакетлар ҳамда қандолат махсулотлари учун махсус ўрама қоғозлар ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди. Ундан кейин эса жамоа Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ҳам ўз корхоналарини очиниш режалаштиряпти.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари

инсон манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда

Олий судда жорий йилнинг 4 январида кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Қонуннинг ижросига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, судлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирок этди.

ҚОНУН ВА ИЖРО

Таъкидланганидек, юртимиз суд-ҳуқуқ тизимида жинойи жазоларни янада либераллаштириш билан боғлиқ ислохотлар изчиллик билан давом этирилмоқда. Ушбу Қонун ҳам ана шу мақсадларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Хусусан, унга бinoан, ярашув институтини қўллаш доираси янада кенгайтирилиб, сохта банкрот-

лик, банкротликни яшириш, савдо ёки хизмат кўрсатиш қондаларини бузиш ва қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш каби жиноятларни содир этган шахслар ўз айбларига иқдор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етакчилар зарарни қопласа, жинойи жавобгарликдан озод қилинади. Айни чоғда унда тадбиркорлик субъектларининг ўзларига қўрсатилган хизмат, жумладан, берилган кредитлар юзасидан банк ва бошқа молия муассасалари олдидаги шартнома мажбурий-ятларини тадбиркорлик тавваққиликларига ҳамда бошқа тижорат тавваққиликларига билан боғлиқ ҳолда бажар-

янада кенгайтиришга қаратилгани билан янада эътиборлидир.

— Бу ерда Қонунни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларда тавсиялар билдирилди, — дейди жиноят ишлари бўйича Бўжа тумани суди раиси Ойбек Исмоилов. — Шу билан бирга, ушбу ҳужжат ижросини бир хилда таъминлаш, яъни ягона суд амалиётини йўлга қўйиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди. Албатта, булар янги меъёрларни амалиётга жорий этишимизда кўл келади.

Тадбирда мавзу билан боғлиқ муҳим вазифалар хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, мазкур Қонун мазмун-моҳияти ва аҳамияти бўйича кенг қўламли тарғибот ишларини амалга ошириш, шу мақсадда жойларда давра суҳбатлари ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Қўнда муҳожама этилган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

З. ХУДОЙШУКУРОВ.

«Давом. Бошланиш 1-бетда».

Жанубнинг олтин дарвозаси аталмиш Термиз шаҳридаги "Алломиш" мажмуасида эса Наврўз байрамга бағишланган асосий тантаналар бўлиб ўтди. Тадбирда сўз олганлар юртимиздаги тинчлик, осойишталик, барча жаҳонларда кўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларни гуруҳ билан эътироф этишди. Дарҳақиқат, буларнинг бари мамлакатимизда осуда ва фаровон ҳаёт ҳукм сураётганлигидан далолатдир. Зеро, турмушимиз обод, кўнглимиз хотиржамлиги боис ҳамиша, ҳар доим баҳорга, Наврўзга, янгилик ва эзгуликка интилиб яшамокдамиз.

Барча жойларда бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам ҳар йили Наврўз олдидан маҳалла-қўй, кўча хибонларни ободонлаштириш ва кўкчамзорлаштириш тадбирлари уюшқоқлик билан ўтказилади. Бу гал айём арасида воҳанинг шаҳари туманларида "Энг обод маҳалла", "Энг обод кўча", "Энг обод хонадон" деб номланган махсус кўрик-танловлар ташкил этилди.

Қувонарлиси, тез орада бундай намунали хонадонлар сафи янада кенгайди. Чўки яқинда Термиз шаҳридаги 13 та кўп қаватли янги уй ўз эгаларига топширилиши кўзда тутилмоқда. Обод турмуш йили якунига қадар ана шундай замонавий турар-жойлардан яна 15 таси, қишлоқ жойлардаги аҳоли массивларида наму-

навий лойиҳа асосидаги 810 та хонадон қуриб битказилади. Шубҳа йўқки, келаси Наврўзга ана шундай эзгу орзу-умидларимиз янада кенг қўлоқ ёзиб, қалбларимизда яратувчанлик иштиёқи ортиб бораверади.

Наврўзи олам муносабати билан Нукус шаҳри марказидаги муҳташам

га завқ-шавқ улашаётган бу айём Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманлари, олинс овулларидида кўтаринки рўҳда нишонланмоқда.

Хоразмликлар улуг айёмни бунёдкорлик борасидаги улкан ютуқлар билан қарши олишга одатланишган. Бу йил ҳам анъанага мувофиқ, вилоят-

Бири-бирдан ёрқин саҳна кўринишларида миллий ўзига хослигимиз, қадрият ва анъаналаримиз ақс эттирилди. Шундан сўнг сумалак сайли, миллий ўйинлар фестивали, тадбиркор ва хунармандларнинг кўргазмалари ташкил этилди.

Биласиз, Наврўз нафрат яшарш, янгилик, балки эзгулик, меҳр-

театр меҳмонлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар билан гавжам бўлди. Бахт ва баҳор байрамига аталган табрик сўзлари янгради. Шундан сўнг театрлаштирилган концерт дастури намойиш этилди. Тадбирда "Бухоро гўзаллари", "Мерос", "Бухорча" номли ашула ва ракс дастурлари, академик халқ бадийи жамоа-

шу юртга муносиб фарзанд бўлмоқчи ўзимиз учун бурч, деб биламиз.

Дарҳақиқат, шукрона ва бунёдкорлик ярашиги бўлиши Наврўзи олам ҳар биримизнинг қалбимизга бегубор ҳислар, жўшқин туйғуларни бахш этмоқда. Бу Фарғона вилоятида бўлиб ўтаётган тантаналарда ҳам ўз ифодасини топаётди. Юсуфан, Фарғона шаҳридаги амфитеатр мажмуида байрам тантанаси ҳажжи болажонларнинг шодон кулгиси билан бошланди. Шундан сўнг шўх яллалар аскиячиларнинг айтишувларига уланиб кетди.

— Бугун ота-боболардан мерос миллий анъана ва умулларимизнинг бор бўй-басти, гузаллиги янада яққолроқ намён бўлмоқда, — дейди 90 ёшли Нўъмон ота Собиров. — Нега деганда, халқимиз Наврўз шодиёнасини ўзгача ҳозирлик билан қарши олди. Ҳозир қаерга борманг, ободлик, янгилик, сайилу гаштакнинг гувоҳи бўлишингиз тайин. Яшиллик бурканган дашту далаларда кўкчам таомларига тўла файзли дастурхон ёзилган, кўпқарию полвонлар беллашуви авж олган. Хуллас, борликдаги жамики ўзгаришлар одамларнинг ҳаёти, обод турмуши мисолда ақс этмоқда. Бундай кунларга шукрона айтмаслик мумкинми?!

Баҳор айёмининг шу сингари фусункор шодиёналари айни пайтда юртимизнинг барча вилоятларидаги шаҳар қишлоқлари, маҳалла, мажмуа гузарлар, боғу хибонлар, маданият масканларида давом этмоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Меҳр-оқибат ва файзу барака шодиёнаси

амфитеатрда байрам тадбири ўтказилди. "Обод турмушида Наврўз айёми" деб номланган мазкур тадбирда ҳукумат аъзолари, депутатлар, сенаторлар, меҳнат фахрийлари, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Шодиёнада эзгу ният ва истақларга бой самимий дил изҳорлари янгради. Тинчлик, ҳамжиҳатлик тамойиллари асосида барча соҳаларда оламшумул ютуқлар кўлга киритилаётгани, бу, аввало, имтиҳонлар яратиб берган имкониятлар самараси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шундан сўнг байрам томошасида Наврўзнинг мазмун-моҳияти, қадру қимматини тавсифловчи, миллий урф-одатларимизни улугловчи шеър уқушлар, рақслар ижро этилди. Энг муҳими, каттаю кичикнинг дили-

да яратувчанлик ва ободонлаштириш борасидаги тадбирлар изчиллик билан амалга оширилди. Жумладан, вилоятнинг барча ҳудудларида қарийб 80 гектар боғу роғ барпо этилиб, 40 га яқин янги объектлар ишга туширилди. Юзлаб иш ўринлари вужудга келди.

Айни кунларда "SOS" болалар маҳалларида тарбияланаётган 200 нафарга яқин ўғил-қизлар учун дастурхон ёзилди, санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд оила-ларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Урганч шаҳридаги "Авесто" боғ-мажмуасида бўлиб ўтган байрам дастури халқимизнинг бой маънавий дунёси тўлиқ ақс этганлиги билан барчага ифтихор ҳиссини бахш этди.

оқибат байрами ҳамдир. Шу маънода, айём олдидан "Маҳалла" хайрия жамоат фондидининг Бухоро вилояти бўлими ташаббуси билан хайрли ишга қўл урилди. Эҳтиёжманд оилалар, яққа-ёлғиз кекса ва ногиронларга байрам совға-саломлари ула-шилиб, дошқозонларда сумалагу ҳалимлар пиширилди, сайиллар уюш-тирилди.

Асосий тантаналар эса Ҳўртбошиқ ташаббуси билан барпо этилган "Кўча ва боқий Бухоро" маданий марказида бўлиб ўтди. Бу ерда хунармандлар, миллий-маданий марказлар ижодкорларининг кўргазмалари чиқишлари ташкил қилинди. Бадийи ҳаваскорлик жамоаларининг дастурлари эса барчани байрам сайлига чорлади. Юсуфан, маданий марказдаги амфи-

лари ижросидаги баҳор, она-юрт, халқимиз бунёдкорлигини мадҳ этувчи қишлоқлар томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

— Байрам тадбири барчамизда унутилмас таассурот қолдирди, — дейди Қорақўл туманидаги 3-сон академик лицей ўқувчиси, Зулфия ноҳиядаги Давлат мукофоти лауреати Нафосат Жўрабекова. — Аслида ҳам, она-Ўзбекистонимизга бугунгидек гўзал байрамлар ярашанди. Биз, ёшлар шундай жаннатоманд юртда яшаётганимиздан гуруҳланамиз ва

ИЗҲОР

Наврўзнинг жозибаси, шуқуҳи бошқача. Шу боис уни ўзгача интиқлик билан кутамиз. Ташриф буюрганида эса қувончу шодликларга тўламиз. Наврўз баҳорда кун ва туннинг баравар келишидир. Баъзи Шарқ халқларида ушбу байрам дастурхонига етти хил меваги дарахт новдаси қўйилган. Бу билан кейинги Наврўзгача шу дарахтлар меваларидан тановул қилиш насиб этсин, дейилган.

Наврўз — яшариш ва янгиликни палласи

Наврўзга доир кечаги кунларни ёдга олсак, у таққиланди, сумалаклар ариққа тўқилди. Байрам қилувчиларга маломат тошлари отилди.. Минг бор шукрлар бўлсинки, Истиқлол тўғайли, Президентимизнинг азму шижоати сабаб халқимиз Наврўзи яна байрам қилиш бахтига мушарраф бўлди.

Ҳазрат Алишер Навоий ёзди: "Жамшид ҳусну жамолда бенавзур эрди. Фаройиб ихтиролар қилди..." "Чихил минор" қасрини қурди. Унда олтин тахт устида ўтириб, адолат овозасин ва садосини оламга ёйди. Ул куннинг отини Наврўз қўйди..." Дарҳақиқат, Наврўз меҳр-

оқибат тантанасидир. Бу кунда ёшларнинг кексалар, хасталар ҳолидан хабар олиши сабов саналади.

Хайёмнинг "Наврўзнама" асари бор, ўзбек тилига таржима ҳам қилинган. Унда Наврўз куй-қўшиқсиз, шеърсиз ўтмаганлиги таъкидланади. Шоирнинг ўзи ҳам бир рубоийсида айтганидек:

Наврўз ярқиради олам уфқиди,
Дилимнинг дилрабо,
Навжавон фасли.
Янгила жиллар
Фикру туйғуда,
Наврўз — ишқу изҳор
Фаслидир асли.
Навоийнинг бир газали

таркибидидаги байта замондошларига, авлодларга Наврўзий дуоси бор. Унда ҳар туннинг қадр кечасидек улугликка бурканиши, ҳар куннинг эса Наврўздек байрам қилиниши орзу-умиди ифода этилган:

Эй эзинг боғи насимиди
ҳавоий Наврўз,
Лайлий томинг бўлуб
ул боғда бўстон Наврўз.
Зулфу руҳсор ила
комимга мени етқузсанг,
Ҳар туннинг қадр ўлубон,
ҳар кунунг ўлсун Наврўз.
Наврўзимиз муборак, азизлар!

Суйица ГАНИЕВА.

22 МАРТ — БУТУНЖАҲОН СУВ РЕСУРСЛАРИ КУНИ

Инсон ва табиат бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Табиатда қандайдир ўзгариш рўй берса, у, албатта, инсон фаолиятига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Шу маънода айтиш мумкинки, табиат неъматларини асраб-авайлаган киши, аввало, ўз ҳаётини муҳофаза қилган бўлади.

Қатраси қадрли

Аммо ачинарлиси шундаки, кейинги пайтларда ана шу муштаракликка пугур етмоқда. Инсоният фаолиятининг атроф-муҳитга таъсири, экологиянинг глобал даражада ёмонлашуви эндиликда табиати муҳофаза этиш ҳамда унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишни талаб қилаётти.

Бундай долзарб масалалар сирасига сув ҳўжалигини тўғри юритиш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш вазифаси ҳам кирди. Зотан, дунёда унга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бораётди. Шунинг учун охиёқетдан тежаб-тегаб фойдаланиш, айниқса, уни санаот, қишлоқ ҳўжалиги, коммунал соҳасида ишлатишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик айни муддаодир.

Маълумотларга кўра, Ер шарининг 71 фоизи сув билан қопланган бўлса-да, унинг атиги 2 фоизигагина истеъмолга яроқли, холос. Айни пайтда дунё бўйича 1,2 миллиард нафар киши тоза ичимлик сувига муҳтож. Сўнгги 40 йил ичида жаҳонда киши бошига тўғри келадиган чўчүк сув микдори 60 фоизга камайган бўлса, бу кўрсаткич яқин 25 йил ичида яна 2 баробарга озайиши тахмин қилинмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 22 март — "Бутунжаҳон сув ресурслари кунин" деб эълон қилинишининг сабаби ҳам шунда, аслида. Яъни мазкур нуфузли ташкилотнинг бун-

дай қарорга келишида сув ресурсларини бошқаришни тақомиллаштириш ва ундан оқилона фойдаланиш орқали нафқат қишлоқ ҳўжалигини барқарор ривожлантириш ёки озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, балки инсон саломатлигини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик мувозанатни сақлашдек эзгу мақсадлар мужассамдир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мустақиллик йилларида экологик вазият ва табиати муҳофаза этишга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинди. Ана шу ҳўжатлар асосида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофазалашнинг илмий асосларини яратиш, сув хавзалари тозаллигини таъминлайдиган самарали усулларни жорий этиш ишларида алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўғориладиган ер майдони 4,3 миллион гектардан иборат эканлигини инобатга олсак, экинларни сўғориш жараёнида тежамок усулларни қўллаш, замонавий техника ва технологиялардан оқилона фойдаланиш нечоғлиқ фойдали эканлигини англаш мушқул эмас. Зеро, ҳаёт манбаи ҳисобланмиш сувнинг ҳар қатраси қадрлидир.

Дилшод УЛУҒМУРОВОД.

BRITISH AMERICAN TOBACCO UZBEKISTAN

«Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон» компанияси Ўзбекистон аҳлини янгиликни, баҳор айёми – Наврўзи олам билан самимий табриклайди!

Наврўзингиз муборак бўлсин!

Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

I. Аукцион савдосига Юкори Чирчиқ тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 28 январдаги 11-1020/1207010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қишлоқхўжалиқимё» Юкори Чирчиқ туманлари филиалига тегишли, Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани, «Уртасарой» ҚФЙ, Уртасарой маҳалласи ҳудудида жойлашган, 821,20 кв.м. бўлган бино-иншоотлар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 202 270 000 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 25 апрель кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати — 2013 йил 23 апрель кунин соат 18.00.

II. Аукцион савдосига Янгиўл тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 22 октябрдаги 11-1236/9722-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ваҳобжон савдо сервис» хўсакий қорхонасига тегишли, Тошкент вилояти, Янгиўл тумани, «Кўшеғон» ҚФЙ, Эпкенди

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамчи кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ

Фарғона вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Фарғона шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 25 майдаги 15-12-06/18344-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Фарғона шаҳар, 12-сонли «Матрибат» МФЙ, Юксалиш (Кувасой) кўчаси, 59-уйда жойлашган «Фарғона вилоят энержо маркази» ОАЖга тегишли асосий қозонхона биноси (асосий корпус) бино-иншоотлари арзонлаштирилган ҳолда тақоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 236 743 429 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 5 апрель кунин соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғинович кўчаси, 35-уй.
Телефон: (8-373) 224-68-69. www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Қорақалпоғистон Республикасини Вазирлар Кенгаеси Раисининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Зўҳра Ибрағимова палари бузуқвори **Амет ИБРАГИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чўчүр таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикасини Иқтисодиёт вазирлиги жамоаси бўлим бошлигининг ўринбосари Нодирхон Азизова волидан муҳтарамаси **ИНОБАТХОН** онанинг вафоти муносабати билан чўчүр таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва қасаба уюшмаси қўмитаси Банк иш ва корпоратив молиялар кафедраси доценти Иброҳим Тоймухамедовга волидан муҳтарамаси **РАҲБАРХОН** аянинг вафоти муносабати билан чўчүр таъзия изҳор этади.

Спорт

Пойтахтимизда 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон чемпинати якунланди.

Кизлар ўртасидаги мусобақада фарғоналик Гулруҳбегим Тоҳиржонова, тошкентлик спортчилар — Дина Абдулмажид ва Баҳора Абдусатторова совринли ўринларни банд этди.

Ўғил болалар беллашувида эса пойтахтлик Ортиқ Нейматов олтин, хоразмлик Нодирбек Еқуббоев кумуш ва тошкентлик Нодирбек Абдусатторова бронза медалини кўлга киритди.

Навоий шаҳрида мазкур спорт турини ўқитиш бўлимида ўғил-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпинати бўлиб ўтди.

Унда мезбонлардан ташқари, Қорақалпоғистон Республикасини, Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Андижон, Фарғона вилоятлари ва пойтахтимиздан жами 12 та жамоа совринли ўринлар учун кураш олиб борди.

Яқунда умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳрининг 14-сонли ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби вакиллари голибликни кўлга киритдилар. Фарғона вилояти ҳамда пойтахтимиздаги 4-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоалари иккинчи-учини погоналарни банд этдилар.

Тошкент шаҳрида қилиқбозлик бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпинатида 150 нафарга яқин спортчи қатнашди.

Мусобақанинг шлага йўналишида кизлар ўртасида Елена Гусева голиб чиқди. У финалда яқинда Осиё чемпини бўлган Малика Ҳакимовани мағлубиятга учратди. Нигора Содикова ва Севара Суяндикова бронза медалларига эғалик қилди.

Ўсмирлар ўртасида эса Сардор Нурматов, Роман Исаков, Дониёр Фуломов ва Жаҳонир Нурматовга тенг келадиган рақиблар топилмади.

Мусобақада шамшир, рапира йўналишлари бўйича ҳам голиб ва совриндорлар аниқланди.

Қарши шаҳрида ўзбек жанг санъати бўйича «Қамолот» кубоги учун вилоят очиқ чемпинати ташкил этилди.

Беллашуварда Бухоро вилояти вакиллари ҳам қатнашди. Баҳслар якунида Темура Салимов, Олмос Абдуразоқов, Ҳусан Тилово каби спортчилар ўз вазн тоифаларида голибликни кўлга киритди. Кизлар ўртасида Ҳўрзёй Бахромова, Дилором Авазова, Маржона Шамсиева муваффақият қозонди.

Фозилдин АБИЛОВ тайёрлади.

UZTELECOM
MILLIY OPERATOR

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК
жамоаси

халқимизнинг азалий ва навқирон
байраму —
Наврўз айёми
билан Сиз,
азизларни қутлайди!

Наврўз барчамизнинг кўнелимизга
илиқлик, олам-олам орзу-умидлар,
хонадонларимизга қут-барака ҳамда
леҳру оқибат ва оилавий
хотиржамлик олиб келсин!

Жаҳон ҳамжамиятида
муносиб ўрин
ва салоҳиятга
эга Ўзбекистонимиз
гуллаб-яшнайсин!

Samarqand
traditions & innovations BANK

Қурметли ватандошлар!
«Samarqand» ОАТ банки

Сиз, азизларни фарслар
келишиги, янгилик ва яшариш
байрами бўлиши

Наврўз айёми
билан
тин қалбдан муборакбод этади!

Сизларнинг қалбингизда доимо баҳорий кайфият
зукт суришини тилаб, оилангизга тинчлик
ва дастурхонингизга қут-барака тилайди!

«Samarqand» ОАТБ жамоаси.

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизни, акциядорлар
ҳамда мижозларимизни янгилик ва
эзгулик рамзи бўлиши

Наврўз айёми
билан самимий муборакбод этади!

Сизларга мустаҳкам соғлик, хонадонингизга файзу барака,
тинчлик-хотиржамлик, ишларингизда омад тилаган ҳолда,
қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада

- «Наврўз» — муддати 1 ой
- «Баҳор» — муддати 3 ой
- «Барҳаёт» — муддати 12 ой
- «Обод турмуш» — муддати 24 ой
- «Бинафша» — муддати 6 ой

Хорижий валютада

- «New» — муддати 1-3 ой

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-76-53, 150-39-93.
www.qqb.uz

«Қишлоқ қуриш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

«БАЛИҚЧИ»
очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

муҳтарам юртдошларимизни яшариш
ва янгилик айёми —

Наврўзи олам

билан самимий табриклайди!

Баҳор оғушида уйғонаётган табиат билан ҳамоҳанг янги куч-ғайрат
барчамизга ҳамроҳ бўлсин! Ушбу гўзал дамлардаги хушқайфият йил
бўйи Сизни тарк этмасин!

Жонажон Ватанимизнинг иқтисодиёти янада юксалиб,
унинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори тобора ортаверсин!

Байрамингиз муборак, азизлар!

(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 23 март — шанба кўни чиқади).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 134 474 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда
оператор М. Бегмуратов
томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оринов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўғбосаров.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусоҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 20.20 Тошхирлиди — 20.55 1 2 3 4 5